

**“Олмалиқ КМК” АЖ
Кузатув кенгашининг
2022 йил “12” июлдаги
17- сон баённомаси билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Олмалиқ КМК” АЖ
Кузатув кенгашининг
Коррупцияга қарши курашиш ва
этика қўмитаси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик мұхитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар түғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони ўн бешинчи бандига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг **Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитасини ташкил этиш** ва унинг фаолиятини тартибга солади.

1. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита деб юритилади) Комбинат ижро аппаратидаги барча бўлинмалар, тизимдаги корхоналар раҳбар ходимлари, шу жумладан Бошқарув аъзолари (кейинги ўринларда — Комбинат ходимлари деб юритилади) томонидан “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”, “Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти раҳбариятининг ҳамда ходимларининг Одоб-аҳлоқ Кодекси”, “Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти ва унинг тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш түғрисида Низом”, “Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти ва унинг тизимидағи корхоналарда контрагентларни текширишга

оид Йўриқнома”, “Олмалиқ КМК” АЖ ижро аппарати ва унинг тизимидағи корхоналарга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома”, “Олмалиқ КМК” АЖ ва унинг тизимидағи корхоналар ходимлари томонидан коррупциявий хатти-харакатларни содир этиш ва хизматдаги одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш тартиби түғрисидаги Регламент” қоида ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши мақсадида тузилади.

2. Қўмита фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш түғрисида”ги, “Давлат харидлари түғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонунларига, “Олмалиқ КМК” АЖнинг Устави, “Олмалиқ КМК” АЖнинг Кузатув кенгаши түғрисида”ги Низом, ушбу Низом ҳамда Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Қўмита, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ Кузатув кенгашининг ваколатлари муддатига Кузатув кенгашининг қарори билан кенгаш аъзолари орасидан Қўмита раиси ва аъзоларини қўшганда уч кишидан иборат тоқ сонли таркибда тузилади.

Қўмита фаолиятига Кузатув кенгашининг раиси (кейинги ўринларда — Кенгаш деб юритилади) шахсан раҳбарлик қиласи, унинг таркибига Кенгаш аъзоларидан юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солик, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари, төғ-кон ишлари, геология, металлургия ҳамда Қўмита

зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича салмоқли тажрибага эга, Кенгаш аъзолари ҳамда Комбинат ходимлари ўртасида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлган иборат таркибда шакллантирилади.

4. Қўмита аъзоларининг сони ва шахсий таркиби Кузатув кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

5. Қўмита фаолияти Кузатув кенгашининг қарори билан муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин.

2-боб. Қўмитанинг ваколатлари

6. Қўмита ўз ваколатлари доирасида:

“Олмалиқ КМК” акциядорлик жамияти ва унинг тизимида коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этишга оид ички норматив хужжатлар ишлаб чиқилишини, заруратга кўра Кузатув кенгashi ёхуд Бошқарув раиси томонидан тасдиқланиши, жорий этилиши ва ижросини назорат қиласди;

Қўмита фаолиятига доир масалалар юзасидан Кузатув кенгашининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил қиласди;

Комбинат раҳбар ходимлари томонидан “Олмалиқ КМК” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив хужжатлар қоидаларига, шунингдек умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилишига оид масалаларни кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари бўйича хуносалар тайёрлайди, қоидаларга риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширади;

Комбинат ходимлари ўртасида коррупциявий қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни, йўл хариталарини, дастурлар лойиҳаларини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига тақдим этади;

Комбинатнинг бошқарув аъзолари, тизимдаги корхоналар раҳбар ходимлари, шунингдек ижро аппаратидаги бўлинмалар раҳбар ходимлари томонидан умумий қабул қилинган ахлоқ нормаларини, “Олмалиқ КМК” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив хужжатлар қоидаларини бузадиган, Комбинат ходимлари обрўсини тўқадиган ва Комбинатнинг ишчанлик обрўси ва нуфузига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги билан боғлиқ ишларни, мурожаатларни ўз мажлисларида кўриб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Комбинат бошқаруви аъзолари, тизимдаги корхоналар раҳбар ходимлари, шунингдек ижро аппаратидаги бўлинмалар раҳбар ходимларнинг хатти-ҳаракатлари устидан қилган мурожаатларини кўриб чиқади;

Комбинат ходимларининг қонун ҳужжатларида ҳамда ички норматив ҳужжатларда назарда тутилган ўз ваколатларини амалга ошириши чоғида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Комбинат ходимларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишлари ҳақидаги аризаларини кўриб чиқади;

Комбинат ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда Комбинат ходимлари фаолиятининг бошқа кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича комплаенс-назорат тизимини тартибга солишга йўналтирилган ички норматив ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Комбинат бошқарув аъзолари, тизимдаги корхоналар раҳбар ходимлари, шунингдек ижро аппаратидаги бўлинмалар раҳбарлари томонидан “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатларга риоя этилиши ҳолатини ўрганиб чиқиб, унинг натижалари ҳақида Кузатув кенгашига ҳисобот тақдим қиласди;

Комбинат бошқарув аъзолари ва тизимдаги корхоналар раҳбарларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ишдан бўшатиш, ротация қилиш, хизмат текшируви натижасига кўра аниқланган ҳужжатлар тўпламини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонуний чора кўриш учун юбориш тўғрисидаги материалларни Кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун тайёрлайди;

Прокурорнинг тақдимномаси бўйича Бошқарув аъзоларини жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ёки унга суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини қўллашга розилик бериш тўғрисидаги материалларни Кузатув кенгаши аъзоларига кўриб чиқиш учун тайёрлайди;

Кузатув кенгашининг мажлисида ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Кўмита хulosасини тақдим этади;

ўзининг кўриб чиқиши учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Кўмита мажлисларига эксперtlар ва мутахассисларни таклиф этади;

Комбинат бошқаруви аъзолари, тизимдаги корхоналар раҳбар ходимлари, шунингдек ижро аппаратидаги бўлинмалар раҳбарлари томонидан “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги

бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланган қоида ва талаблар бузилган тақдирда, бундай ходимлар түғрисидаги зарур ахборотни сўраб олади;

Кўмита, Акциядорлар умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашининг қарорларига, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаси “Комплаенс-назорат хизмати” Кўмитанинг ишчи органи ҳисобланади.

Комплаенс-назорат хизмати Кўмитанинг фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-кувватлаш, шу жумладан Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, Комбинатнинг бошқарув органлари, тизимдаги корхоналар ва бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан Кузатув кенгashi ва Кўмита томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишини таъминлайди.

8. Кўмита, ўз фаолиятини амалга оширишда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди.

9. Кўмита масалаларни Акциядорлар умумий йиғилиш ёки Кузатув Кенгашининг топшириғига биноан ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

3-боб. Кўмита ишини ташкил этиш

10. Кўмита мажлислари заруратга қараб ўтказилади.

Кўмита мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур ҳолларда Кўмита ёпиқ мажлис ўтказиш түғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

11. Кўмита мажлисини Кўмита раиси, у йўқлигига эса, унинг топшириғига асосан Кўмита раисининг ўринбосари ёки Кўмита аъзоларидан бири олиб боради. Кўмита мажлисида баённома юритилади, уни мажлисда иштирок этган Кўмита аъзолари имзолайдилар.

12. Кўмита мажлислари, агар уларда Кўмита аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатлидир.

13. Кўмитанинг келгуси мажлиси түғрисида унинг раиси Кўмита аъзоларига ёзма равишда, қоида тарикасида, камида уч сутка аввал хабар қиласди, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини ҳам олдиндан хабардор этади.

14. Кўмита кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорларни Кўмитанинг кўпчилик овози билан қабул қиласди. Кўмита қарорини унинг мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

15. Кўмита раиси:

Қўмита ишини ташкил этади;

Қўмита мажлисларини чақиради ва ўтказади;

Қўмита аъзоларига топшириқлар беради;

вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа органлар, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан муносабатларда Қўмита номидан иш кўради;

Акциядорлар умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашининг мажлисларида Қўмита фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

ҳар йили Акциядорлар умумий йиғилиши ҳамда Кузатув кенгашига Қўмита фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

16. Қўмита аъзоси Қўмита мажлисида шахсан ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни вижданан ва сидқидилдан бажариши шарт.

Қўмита аъзоси Қўмита мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмагандан Қўмита раисини олдиндан хабардор этиши шарт.

17. Қўмита аъзоси:

Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Қўмитанинг кўриб чиқиши учун мажлис кун тартибига масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишиб чиқишга;

Қўмита қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

Қўмита аъзоси ушбу Низомга мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Коррупцияга қарши қурашишга оид қонун ҳужжатлари ҳамда Комбинатнинг бошқа ички норматив ҳужжатларидағи талаб ва қоидаларнинг бузилишига оид масалаларни кўриб чиқиш тартиби

18. Қўмита Комбинат бошқаруви аъзолари, тизимдаги корхоналар раҳбар ходимлари, шунингдек ижро аппаратидаги бўлинмалар раҳбарлари томонидан “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши қурашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатларнинг қоида ва талаблари бузилиши билан боғлиқ масалаларни:

Кузатув кенгашининг топшириғига биноан;

Комбинат ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Комплаенс-назорат тузилмасининг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади.

19. Ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган Комбинат ходими ўзининг ҳукуқи, шаъни, қадри ва қиммати, ишчанлик обрўсига даҳл қиласидаги асоссиз ариза (тұхмат ёхуд ҳақорат қилиш) тақдим этилган тақдирда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ҳақли.

20. Кўмита мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва холисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган Комбинат ходимлари, зарур бўлган ҳолларда эса, аризачилар ва бошқа шахслар таклиф этилади. Кўмита мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги аризани ёки шикоятни, Кузатув кенгашининг топшириғини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

21. Кўмита мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

Кузатув кенгашининг топшириғи, Комбинат ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, Комбинатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Комплаенс-назорат тузилмасининг мурожаати мазмуни ёхуд ўз ташаббуси билан киритилган хабар ўқиб эшиттирилади;

“Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатларининг қоида ва талаблари бузилганлиги тўғрисида ўзига нисбатан шикоят ёки ариза тушган Комбинат ходимлари, зарур бўлган ҳолларда эса, аризачи эшитилади.

22. Комбинат ходимлари Кўмитага ўз ҳукуклари, шаъни ва қадр-қимматининг ҳимояси учун мурожаат, таклиф ва шикоят шаклида материаллар ҳамда бошқа шаклдаги ахборотни тақдим этишга ҳақли.

23. Кузатув кенгашининг топшириғи асосида мурожаат ҳужжатлари билан танишиб чиқиш яқунлари бўйича Кўмита, Комбинат ходимларининг хатти-ҳаракатларида “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатлар қоида ва талаблари бузилганлиги фактининг мавжудлиги тасдиқланган ҳолатда, ушбу

ходим (ходимларга) нисбатан аниқ таъсир кўрсатиш чораларини кўрсатган ҳолда ёхуд Комбинат ходимларининг хатти-ҳаракатларида қоида ва талаблар бузилиши фактининг мавжуд эмаслигини белгилайди.

24. Комбинат ходимлари томонидан “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатларнинг қоида ва талаблари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Қўмита:

Комбинат ходимларига нисбатан огоҳлантириш тарзидаги таъсир кўрсатиш чорасини қўллаш тўғрисида;

Кузатув кенгашига Комбинат бошқарув аъзолари ва тизимдаги корхоналар раҳбарларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ишдан бўшатиш, ротация қилиш, хизмат текшируви натижасига кўра аниқланган ҳужжатлар тўпламини хуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонуний чора кўриш учун юбориш тўғрисида таклиф киритиш ваколатига эга.

25. Комбинат бошқарув аъзолари ва тизимдаги корхоналар раҳбарларининг хатти-ҳаракатларида “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатларнинг қоида ва талаблари бузилганлиги фактининг мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, бундай мурожаат бўйича ходимга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланмайди.

26. Қўмита қабул қилинган қарор ҳақида аризачига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган Комбинат ходимларига, Кузатув кенгашига ҳамда Комплаенс-назорат хизматига ёзма равишда маълум қиласди.

Қўмитанинг тегишли қарор лойиҳаси Кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун киритилганда, унга қисқа тушунтириш хати ва бошқа зарур материаллар ҳам илова қилинади.

27. Қўмита қарори устидан Кузатув кенгашига шикоят қилиш мумкин. Кузатув кенгashi Қўмита қарорини бекор қилишга ҳамда ўз ваколати доирасида бошқа қарор қабул қилишга ҳақли.

28. Комбинат ходимлари томонидан Қўмитанинг мажлиси жараёнида “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатлар қоида ва талабларининг бузилишига йўл қўйилган тақдирда, мажлисда раислик қилувчи Регламентга мувофиқ чоралар кўради, шунингдек Қўмитага Комбинат ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатлар қоида ва талабларининг бузилганлиги масаласини кўриб чиқишини таклиф этишга ҳақли.

29. Мурожаат унинг ташаббускори томонидан Кўмита қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

30. Тарафларнинг ярашуви, етказилган заарар миқдорининг тўлиқ қопланганлиги, қонун ҳужжатлари қоидаларининг бузилиши ҳолатлари бартараф этилганлиги, “Олмалиқ КМК”АЖнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одобахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, Контрагентларни текшириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ички норматив ҳужжатларнинг қоида ва талаблари ижроси таъминланган ҳолатларда, Кўмита қарорига асосан ходим ўзига нисбатан таъсир чоралари қўлланилишидан озод этилиши мумкин.